

**“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖДА ТЕМИР ЙЎЛ  
УЧАСТКАЛАРИ ЎТКАЗИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ  
МЕЪЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13785978>

**Азимова Феруза Садриддин қизи**

*Тошкент Давлат Транспорт Университети магистри*

**Азимов Садриддин Журакулович**

*Материалшунослик ва Машинасозлик кафедраси Катта уқитувчиси*

Поездларнинг ҳаракат тезлигини ошириш масалалари олимлар томонидан ҳар хил томонлама ўрганилган: техник, технологик, ижтимоий, ихтиисодий, экологик.

Олисга катнайдиган, махаллий ва шаҳардан ташқарига катнайдиган темир йўл алоқасини ташкиллаштиришнинг муҳим омилларини асословчи масалалар проф. Ю.О. Пазойский, проф. В.Г. Шубколаринг асарларида акс этган .

Юқори тезликли поездлар ҳаракатини ташкиллаштиришга қўйидаги асарлар бағишлиланган. Проф. Г.И. Черномордик асарида келтирилган йиллик ҳаражат минимумининг оптимал нисбати ва бурилиш участкаларидағи бўлиши мумкин бўлган максимал тезликли ҳаракатасосида йўловчи поездлар ҳаракатининг рационал тезлигини аниқлаш масаласи тадқиқот қилинган. Тадқиқот натижасида аниқландики, линияда энг катта ўтқазувчанлик хусусиятига юк ва йўловчи поездларининг 0,5с-0,7с чегарасидаги ҳаракат тезлигининг ўзаро нисбатини аниқлашда эришилади.

Шу билан биргаликда айтиб ўтиш керакки, маршрут тезликларининг кўтарилиши ҳам юк, ҳам йўловчи поездларининг айрим эксплуатацион кўрсаткичларига ижобий таъсир этади. Натижада поездларнинг юриш ва участка тезлиги орасидаги узилишни қисқартириш (туришнинг сони, унинг давомийлигини қисқартириш ва х.) бўйича чоралар тавсия этилди. Бинобарин, йўловчи поездларинг ҳаракат тезликлари 200 км/с бўлганда, бошқа поездларнинг ҳаракат тезлиги 100-140 км/с чегарасида бўлиш керак. Замонавий шароитларда фақат поезднинг юриш тезлигини ошириш эвазига тезликларни ушбу чегарагача оширишга эришиш мумкин. Лекин, мамлакатимиздаги ҳаракат таркибларининг паркларида мавжуд бўлган юк локомотивлари оғир юкларни бундай тезлик билан тортишга

мұлжалланмаган. Шунингдек, күзда тутиш лозимки, юк поездларининг юриш тезлик харакатини оширишда йўлнинг устки элементларининг емирилиши ошади, ва жорий сақлаш ишларига дастлабки миқдорнинг камидა 10 % миқёсида қўшимча иш ҳажмини талаб этади.

Проф. В.Ю. Козлов асарларида йўловчи поездларининг барча тортув турлари учун оғирлигини турли вариантларда шлаб чиқиши шартлари асосида олисга қатнайдиган, маҳаллий ва шаҳар ташқарисига қатнайдиган темир йўл алоқаларининг оптимал тезлигини аниқлаш масалалари ўрганилган. Асада бошқа давлатларининг темир йўлларидағи юк ва йўловчи поездларининг ҳаракат тезлигини комплексли ошириш масаларлари ёритилган. Муаллиф, йўловчи поездларининг тезлигини ошириш масаласини ташкилий-техник чора-тадбирлар эвазига ошириш мақсадга мувофиқдир дебхисоблайди. Шу вақтнинг ўзида муаллиф юк поездларининг тезликларини йўловчи поездларининг тезлигига имкони борича яқинлаштиришни ва техник-иҳтисодий ҳисоблашда ҳам йўловчи, ҳам юк поездларининг ҳаракат тезлигини ошириш эффективини кўзда тутишни тавсия этади.

Илмий ишда йўловчи поездларнинг келажақдаги оптимал оғирлик ва ўртача юриш тезлик масалаларини ечиш усуллари келтирилган. Юқори тезликли йўловчи поездларининг ҳаракатини ташкиллаштириш масалалари ва бундай ҳаракатни қўллашнинг техник-иқтисодий афзаллиги ёритилган. Лекин ушбу асада юк- ва йўловчи оқимининг ўсиши ва уларнинг тез юрар ва юқори тезликли ҳаракатни ташкиллаштиришга таъсири кўриб чиқилмаган. Шунингдек, тадқиқотда юқори тезликли йўловчи поездларининг ҳаракатланиши мобайнида линиянинг ўтқазувчанлик хусусиятини кучайтириш кўзда тутилмаган, аммо аник чора-тадбирлар белгиланмаган эди. Козлов В.Юнинг ишида тез юрар йўловчи поездларнинг рационал сонини ва юк ва йўловчи поездларнинг қўшма ҳаракатланиш шароитларида уларнинг максимал тезлигини аниқлаш бўйича илмий иш бажарилган эди. Бироқ, ҳозирги вақтда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун йўловчиларни ташиш талабини қониктирувчи тез юрар йўловчи поезднинг тезлиги ва сонига ориентирланиш зарур. Юк ва йўловчи поездларининг бир, ҳаттоқи икки йўлли линияда ҳаракатланиши бир талай юк поездларини йўловчи поездлари туфайли олишга олиб келади, айниқса юқори тезликларда, бинобарин, анчагина эксплуатцион ҳаражатларга. Шундай қилиб, линиянинг ўтқазувчанлик ва юк ташиш хусусиятини кучайтириш

ҳақидаги масалаларни ечиш зарур. Ушбу муаммо кўп олимлар томонидан ўрганилган.

Проф. А.М. Макарочкин тармоқнинг ривожланиш жараёнинг ташкилий қисми каби темир йўл линиясининг ўтқазувчанлик хусусиятини ривожлантиришни кўриб чиқсан ва ушбу типдаги масалаларни динамик дастурлаш усулида ечишни таклиф этган. Шунингдек тармоқнинг ривожланишини оптимал режалаш масалалари проф. А.П. Батурин асарида кўриб чиқилган. Асарда темир йўлларининг ўтқазувчанлик хусусиятини ошириш бўйича бўлиши мумкин бўлган реконструктив чоратадбирлар таҳлили ўтқазилган, капитал маблағ ва темир йўл линияларининг ҳар хил ривожланиш схемаси мобайнидаги эксплуатацион ҳаражатларни белгилаб берувчи аналитик боғлиқлик аниқланган, линиянинг этапли ривожланишининг оптимал схемасини танлаш алгоритми математик таҳлил усулини (итерация усули, градиентли тушиш усули, координата сеткаси бўлаб тушиш усули) қўллаб ишлаб чиқилган. Ҳар йили ажаратиладиган моддий воситаларни кўзда тутган ҳолда поездлар ҳаракат тезлигини чеклашни ечиш бўйича чораларни этап бўйича амалга оширишни таклиф этган. Мавжуд линияни қайта қуришдан сўнг ўтқазувчанлик хусусиятини янада ошириш ва унда тез юрар йўловчи поездининг қатновини киритиш масаласи ушбу асарда кўрилмаган.

Дубровская Т.А. илмий ишида динамик дастурлаш усулига асосланган параллель темир йўл линияларида юк ва йўловчи оқимларни оптимал таҳсимлаш усули тақдим этилган. Бундай турдаги илмий ишда илк бор участкаларнинг ўтқазувчанлик хусусиятининг тўлдириш даражасива поездлар қатновининг эксплуатацион ҳаражатларининг боғлиқлиги аниқланган. Келажакда йўловчи ва юк поезд тезликлари орасидаги тезликларнинг анча-мунча фарқ қилишида, шунингдек йўловчи оқими ва юк оқимининг ўсишида параллель йўналишларни қатнов турлари бўйича таёrlамоқ таклиф этилди. Ушбу тадқиқот А.В. Березкиннинг диссертацион ишида ривожлантирилди, унда параллель линияларнинг бирида тез юрадиган ҳаракатни киритиш шарти билануларнинг қувватини этапли оширишни рационаллаштириш таклиф этилган. Ушбу ишларда мавжуд магистральга параллель юқори тезликли маҳсус линияни қуриш варианти кўрилмаган.

Пазойский Ю.О., Шубко В.Г. ва бошқалар нинг умумий раҳбарлигига Россия темир йўллари ЮТМ нинг параметрларини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ва лоиха олди ишларининг комплексини бажарди. Ўша йиллари

ниоятда юқланган йұналишлар Марказ-Жануб: Москва-1 Крым ва Кавказ йұналишлари бұлған, уларда интенсив үйловчи ва юқ қатнови амалға оширилған ва ташишнинг ўсиши прогноз қилинганды. Үтқазувчанлик хусусиятини кучайтириш техник-иктисодий таққослашвариантлари янги маҳсус тез юрар магистрали билан солиширганда янги оддий “ишни енгиллаштирадиган” темир үйлі линиясини қуриш афзал эмаслигини күрсатады. 70-чи йилларнинг ўрталарида темир үйлі тармоғининг ишида юзага келған қийинчиликлар ушбу мавзусидаги тадқиқотларни тұхтатиб қойыды. 80-чи йилларнинг ўрталарида үйловчи поездларининг тезлигини ошириш мобайнидаги үтқазувчанлик хусусиятини кучайтириш бүйича тадқиқот ишләри яна тикланди. Ушбу муаммони ечишнинг икки варианти күриб чиқылған:

-ташиш ҳажмини кучайтириш ва мавжуд линияни ривожлантириш (учинчи ва тұртқынчи асосий үйларни қуриш) эвазига үзлаштириш;

- үйловчи оқимининг күп қисмини ЮТМ га үтқазиши;

Ҳаммасидан күра иккінчи вариант маъқул бўлиб чиқди.

К.У. Ульжабаев үз ишида сайёхларни темир үйл орқали ташишни кўпайтириш истиқболини кўриб чиқди, бу үз навбатида темир үйлда ташишнинг үтқазувчанлик хусусиятига таъсир этади ва муаммони ечиш учун участканинг үтқазувчанлик хусусиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши керак.

Темир үйл йұналиши (участкаси)нинг поезд үтқазиши қобилияти деб, маълум давр (кун, соат) мобайнида доимий қурилмалар, ҳаракатдаги таркибнинг тури ва қуввати, поездлар ҳаракатини ташкил этиш усуслари (график тури)га боғлиқ ҳолда берилған йұналиш (участка)дан үтқазилиши мумкин бўлған поездлар ёки жуфт поездларнинг энг күп миқдорига айтилади.

Поезд үтқазиши қобилияти бир үйллик йұналишлар учун жуфтланган графикда поездлар жуфт сони, икки үйллик йұналишларда ва бир үйллик йұналишларда ножуфт графикларда алоҳида ҳар бир ҳаракат йұналиши учун поездлар сони орқали ифодаланади.

Поезд үтқазиши қобилиятын белгиловчи ҳар бир йұналиш (участка)нинг доимий техникавий қурилмалариға перегонлар, бекатлар, локомотив хўжалиги ва електр таъминоти қурилмалари киради.

Темир үйлнинг үтқазиши қобилияти юқорида келтирілған доимий техник қурилмалар ӣифиндисининг ҳар бир асосий элементи бўйича аниқланиши ва оширилиши зарур. Ушбу элементларнинг биридаги енг кам

бўлган ўтказиш қобилияти линиянинг натижавий ўтказиш қобилияти дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг транспорт комплекси миллий иқтисодиётнинг стратегик муҳим соҳаси бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Транспорт тизимишинг самарали ишлаши мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишини, унинг худудий яхлитлигини, халқаро алоқаларини ва маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорларидағи рақобатбардошлигини таъминлайди. Миллий транспорт тизимида ҳалигача ҳал қилувчи рол темир йўл транспортига тегишли бўлиб, у асосий ва баъзи ҳолларда товарларни оммавий ташишни амалга оширадиган ягона транспорт тури ҳисобланади. Иқтисодий хаётни монополлаштириш муаммолари, товар бозорларидағи рақобат бугунги кунда нафақат мутахассисларнинг, балки кенг аҳолининг диққатини жалб қилмоқда. Сўнгти йилларда, транспортнинг кенг географияси, юкори юк кўтариш ва ташиш имкониятлари, ҳар мавсумийлиги ва хавфсизлиги кўринишида рақобатбардош устунликларга ега бўлишига қарамай, темир йўл транспорти бошқа транспорт турлари, биринчи навбатда автомобил йўллари билан рақобатни кучайтирмоқда, бу темир йўл транспорти улушининг босқичмабосқич пасайишига олиб келади. Темир йўл транспорти рақобатбардошлигининг пасайиши ҳам объектив (бир қатор асосий саноат тармоқларидағи институционал ўзгаришлар, умумий иқтисодий инқироз, юк оқимлари йўналишлари ва тузилишидаги ўзгаришлар), ҳам субъектив сабаблар, шу жумладан, тармоқни ислоҳ қилиш ва уни рақобатдош иқтисодиётга "киритиш" учун ҳар доим ҳам муваффақиятли қадамлар билан боғлиқ емас. Рақобат муҳитида темир йўл транспорти соҳасида ишончли ва узлуксиз ишлаш учун юк темир йўл транспорти соҳасини тартибга солишининг янги ташкилий-иктисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва излаш бўйича ишларни давом еттириш зарур.

Европа темир йўлларининг ягона тармоққа қўшилиши електрлаштириш тизимидағи фарқлар билан мураккаблашади; сигнализация, марказлаштириш ва блокировка қилиш (СМБ); ҳаракатланувчи таркибининг ўлчамлари ва биноларнинг яқинлашиши; ҳар бир мамлакатда бирлашма дизайнлари. Поездлар ҳаракатини таъминлаш учун турли хил тизимларнинг мос келмаслиги ягона Европа темир йўл тармогини яратишда жиддий тўсиқ бўлди. 1980-йилларнинг охиirlарида Европада 30 тагача турли хил сигнализация тизимлари мавжуд еди. Бу даврда тезюарәр темир йўл транспорти жадал ривожлана бошлади. Дастлаб халқаро йўналишларда

(*Eurostar, Thalys*) ҳаракатланадиган поездлар ҳар бир мамлакат учун сигнализация тизимлари билан жиҳозланган, бу локомотив бригадаларининг ишини мураккаблаштирган, шунингдек, эксплуатация ҳаражатлари ва ишламай қолиш хавфини оширган.

1989 йил 4 ва 5 декабрда Европа давлатлари транспорт вазирларидан иборат ишчи гурух Европада тезюар тимер йўлларни ривожлантиришнинг бош режасини тасдиқлади. 1990 йил 17 декабрда Европа Кенгаши ушбу лойиҳани маъқуллари ва 1991 йил 29 июля 91/440 / ЕЕС Қарори қабул қилинди, унга кўра поездларни бошқариш бўйича ягона тизимни яратиш таклиф қилинди. Бу вақтга келиб, Европа поездларини бошқариш тизимининг (англ. *European Train Control System, ETCS*) асосий стандартлари аллақачон қабул қилинган еди. Янги тизимнинг техник хусусиятлари бир ярим йил давомида Европа тимер йўл тадқиқот институти, тимер йўл операторлари ва ускуналарни етказиб берувчилар томонидан ишлаб чиқилган. Асосий лойиҳалаш ишлари ҳаракатланувчи таркиб ва автоматика қурилмалари ишлаб чиқарувчилари томонидан тутатилди: Алстом, Ансалдо, Бомбардиер, Инвенсис, Сиеменс ва Тхалес, улар биргалиқда сигнализация саноат иттифоқини (*Union of Signalling Industry, UNISIG*) ташкил қилдилар. 1998 йилдан 2002 йилгacha ETCC техник хужжатларига ўзгартиришлар ва тушунтиришлар киритилди. 1999 йилда тизим Будапешт - Вена линиясида биринчи марта ишлатилган. 2001 йилда Европа Парламенти 2001/16 / ЕС директиваси билан бутун Европа тимер йўл тармоғини босқичма-босқич ўйғунлаштириш ва тимер йўлларнинг ( European Train Control System ETCC) билан ва уларсиз мувофиқлигини таъминлаш бўйича бир қатор тадбирларни маъқуллadi. 2002 йилда Европа Комиссияси ETCCни тезюар тимер йўлда, 2004 йилдан еса барча трансевропалик тимер йўл коридорларида мажбурий равища қабул қилди. Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган Швейцария ўз тимер йўлларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун бирлашган Европа учун қўрсатмалар қабул қилди.

2006 йил бошига 3000 дан ортиқ ҳаракатланувчи таркиб ва 6000 км йўллар ETCC қурилмалари билан жиҳозланган. 2013 йил сентябр ойидан боштаб ETCC ва шунга ўхшаш тизимлар 34 мамлакатда, жумладан Туркия, Исроил, Хитой, Ливия ва Янги Зеландияда татбиқ этилди.

Россия тимер йўлларида радиоканални тонал трассали ( РТТ АБТС) микропроцессорга асосланган мавжуд автоматик блокировка қилиш тизими билан боғлаш ва Сапсан EWPS бортида қўп қийматли локомотив сигнализацияси учун маълумотларни узатишни таъминлайдиган ягона

техник ечимлар ишлаб чиқилған бўлиб, бу ҳаракат тезлигини 180 км / соат ва ундан юқори даражага кўтариш имконини беради. Горкий темир йўлининг Болдино - Ундол - Колокша қисмида.

Москва - Нижний Новгород қисмида жорий этилган рақамли тарқатилган радиоалоқа ва ДМР стандартидаги симсиз алоқа тизимининг ривожланиши локомотивга маълумотларни узатишни ташкил қилишда маҳаллий радиоканалдан юқори технологик даражага ўтишга имкон беради.

Россия темир йўлларининг навбатдаги вазифаси - ДМР рақамли технологик радиоалоқа тизимлари (РТРТ ЦСТР), шунингдек ГСМР ЦСТР ёрдамида темир йўл автоматизацияси ва телемеханика (ЗАТ) тизимларидан локомотивга маълумотларни узатиш протоколларини ишлаб чикиш.

АВТС-М ускунасига асосланган ҳаракатланувчи блок участкалари билан поездлар ҳаракатини оралиқ тартибга солиш тизими (1.1.1-расм) ўтказувчанликни оширишга ва поездлараро ўтиш оралигини камайтиришга имкон беради.

Поезднинг жойлашиши ўртача узунлиги 250 м бўлган битта йўл схемасининг билан аниқланади. Кўчиб юрувчи блок участкаларини ишлатиш поездлараро интервални минимал З дақиқагача таъминлашга имкон беради ва АБС тизимларини ўз ичига олган участкалари бўлган АБ тизимларига нисбатан юк ташиш ҳажмини 20% гача оширади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Бекжанова С.Е. Увеличение пропускной способности железнодорожных участков при организации скоростного движения в РК: Вестник- КазАТК № 3 (98), 2016. 113-116 с.
2. Браництов С. А., Тумченок Д. А., Ширванян А. М.оценка пропускной способности железнодорожных полигонов. Трансп.: наука, техн., упр.. Винити ран. 2014, N 10, с. 10-15.